

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙРИМ ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА
ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «[Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида](#)»ги 2018 йил 16 январдаги ПФ-5303-сонли ва «[Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида](#)»ги 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сонли фармонлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 14 марта ПҚ-2833-сон [қарорига](#) мувофиқ;

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim ҳужжатлariга [иловага](#) мувофиқ ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 17 апрель,
ПФ-5420-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 17
апрелдаги ПФ-5420-сон
Фармонига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim ҳужжатлariга киритилаётган
ўзгариш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон Фармони 10-бандининг [олтинчи хатбошисидаги](#) «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги хузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси» сўzlари «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги хузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекция» сўzlари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида»ги 2005 йил 28 сентябрдаги ПҚ-191-сон қарори 4-бандининг [учинчи](#) ва [тўртинчи хатбошилари](#)даги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг» сўzlари «Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг» сўzlари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги 2006 йил 20 июндаги ПҚ-381-сон [қарорида](#):

а) 1-банднинг [учинчи хатбошисидаги](#) «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига» сўzlари «Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига» сўzlари билан алмаштирилсин;

б) [1-иловадаги](#) «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўzlари «Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси» сўzlари билан алмаштирилсин.